**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИ**

**Хошимова Д.П, Назарова Ф.М, Гимранова О. Б**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарини ўрганиш бўйича**

# ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**ТОШКЕНТ 2009**

Хошимова Д.П, Назарова Ф.М, Гимранова О. Б Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарини ўрганиш бўйича таълим технологияси:/ Услубий қўлланма «Иқтисодий таълимдаги ўқитиш технологияси» сериясидан // – Т.: ТДИУ, 2009. 70 б

**Тақризчилар:**

Иқтисод фанлар номзоди, доцент М.Э.Пўлатов,
Педагогика фанлар номзоди, Д.М.Файзуллаева

Услубий қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарини ўрганиш бўйича ўқитишнинг технологиялаштириш қоидаларидан фойдаланилган ҳолда лойиҳалаштирилган таълим технологияси келтирилган.

Муаллифлар таҳририда чоп этилган

© Хошимова Д.П, Назарова Ф.М, Гимранова О. Б
© Т.: ТДИУ, 2009 й.

## М У Н Д А Р И Ж А


**1-мавзу. Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар** 2

1.1. Таълим бериш технологияси модели 2
1.1. Маърузанинг технологик картаси 3

**2-мавзу. Банк тизимини қўллаб-кувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир** 15

2.1. Таълим бериш технологиси модели 15
2.2. Муаммоли маърузанинг технологик картаси 16
2.3. Таълим бериш технологиси модели 35
2.4. Амалий машғулот технологик картаси 36

**3-мавзу. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг аҳамияти ва асосий йўналишлари** 38

3.1. Таълим бериш технологияси модели 38
3.2. Маъруза машғулоти технологик картаси 39

**4-мавзу. Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини янада ривожлантириш – устувор вазифа. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, банк ишини янада такомиллаштириш–мамлакатни модернизация қилишнинг муҳим омили.** 50

4.1. Таълим бериш технологияси модели 50
4.2. Маъруза машғулоти технологик картаси 52

**5-мавзу. Ўқув курс бўйича якуний семинар** 63

5.1. Таълим технологияси модели 63
5.2. Семинар машғулоти технологик картаси 64

# 1-мавзу. Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар

## 1.1. Таълим бериш технологияси модели

<table>
<tr><td>Машғулот вақти-2 соат</td><td colspan="2">Талабалар сони: 20 – 80 гача</td></tr>
<tr><td>Машғулот шакли</td><td colspan="2">Кириш-ахборот маъруза - кўргазмали</td></tr>
<tr><td>Маъруза режаси</td><td colspan="2">1. Жаҳон молиявий инқирозининг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва салбий оқибатлари.<br>2. Ривожланган мамлакатларнинг жаҳон молиявий инқирозидан чиқиш борасидаги чора-тадбирлари.<br>3. Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар.</td></tr>
<tr><td colspan="3">Ўқув машғулотининг мақсади: ўқув курси бўйича умумий тушунча бериш. Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллари билан таништириш.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Педагогик вазифалар:<br>• ўқув курсининг мақсади ва вазифалари, ўтиладиган мавзуларга тузилмавий мантиқий чизма асосида тушунча бериш;<br>• жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш;<br>• жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини ёритиш;<br>• ривожланган мамлакатларнинг жаҳон молиявий инқирозидан чиқиш борасидаги чора-тадбирлари ҳақида маълумотлар бериш;<br>• жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар билан таништириш.</td><td>Ўқув фаолияти натижалари:<br>• ўқув курсининг мақсади ва вазифаларини, ўтиладиган мавзуларни тузилмавий мантиқий чизма асосида шарҳлаб беради.<br>• жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқиш сабабларини кўрсатиб беради.<br>• жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатлари ҳақида гапириб беради.<br>• ривожланган мамлакатларнинг жаҳон молиявий инқирозидан чиқиш борасидаги чора-тадбирлари ҳақида маълумотлар беради.<br>• жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омилларни ёритиб беради.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ўқитиш усуллари</td><td>Кўргазмали маъруза, жуфтликда ишлаш</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ўқитиш шакллари</td><td>Фронтал, жамоавий, жуфтликда ишлаш.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ўқитиш воситалари</td><td>Ўқув қўлланма, проектор, график органайзерлар.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ўқитиш шароити</td><td>УТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория</td></tr>
<tr><td colspan="2">Мониторинг ва баҳолаш</td><td>Оғзаки назорат: савол-жавоб шакли<br>Ёзма назорат: эссе</td></tr>
</table>

## 1.1. Маърузани технологик картаси

| Ишлаш босқичлари, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Талабалар |
| 1-босқич. Фан ва мавзуга кириш (15 дақиқа) | 1.1. Ўқув курси номини айтади. Экранга курснинг тузилмавий мантиқий чизмасини чиқаради *(1-илова)*, мавзулар рўйхатини беради ва уларга қисқача таъриф беради.<br>1.2. Мавзу, биринчи машғулотнинг мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтиб беради.<br>1.3. Талабаларнинг билимларини жонлаштириш учун саволлар беради *(2-илова)* ва ушбу саволларга жуфликда жавоб бериш шартлигини таъкидлайди. “Жуфтликда ишлаш” қоидалари билан таништиради *(3-илова),* жуфтликларга бўлинишларини таклиф қилади, якка тартибда ўйлашни ва жуфтликда муҳокама қилиб жавоб беришни таклиф қилади. | Тинглашади<br><br>Тинглашади<br><br>Жуфтликка бўлинишади, ўйлашади, муҳокама қилишади ва саволларга жавоб беришади. |
| 2-босқич. Асосий (55 дақиқа) | 2.1. Экранга жадвални чиқаради ва маъруза тинглаш жараёнида уни тўлдиришни сўрайди *(4-илова).*<br>2.2. Power point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларни тушунтириб беради (*5-илова*).<br>Маъруза жараёнида фокусловчи назорат саволлар беради; мавзунинг режасини ҳар бир банди бўйича хулосалар қилади; жалвалга ахборотларни киритиш лозимлигини эслатади. | Тамоша қилишади, ёзишади.<br><br>Тинглашади, ёзишади.<br><br>Саволларга жавоб беришади, жадвални тўлдиришади. |
| 3-босқич. Якуний (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади, иш натижаларини изчилликда изоҳлаб беради.<br>3.2. Эссе ёзиш қоидаларини тушунтиради (*6-илова*). Мустақил ишлаш учун вазифа беради: эссе ёзиш (Сизнинг фикрингизча ЖМИ иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкинми? (жавобингизни асосланг). | Саволлар берадилар.<br>Мустақил ишлаш учун эссе мавзусини ёзиб оладилар. |

1-Илова(1.1)

**Курснинг тузилмавий мантиқий чизмаси**



2-Илова(1.1)

**Жонлаштириш учун саволлар:**

1. Инқироз тушунчаси нимани билдиради?
2. Жаҳон молиявий инқирозининг (ЖМИ) қандай оқибатлари бўлади?
3. Жаҳонда молиявий инқирознинг салбий оқибатлари қандай намоён бўлмоқда?
4. Жаҳон молиявий инқирози Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига таъсир кўрсатдими?

3-Илова(1.1)

**«ЎЙЛАНГ-ЖУФТЛИКДА ИШЛАНГ-ФИКР АЛМАШИНГ»**

> Ушбу техника биргаликдаги фаолият бўлиб, талабаларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

**«Ўйланг-Жуфтликда ишланг-Фикр алмашинг» техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши**

1. Ўқитувчи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиш, сўнг қисқа жавоблар ёзиш тартибида.

↓

2. Талабалар жуфтликларга бўлиниб, бир-бири билан фикр алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни ишлаб чиқишга ҳаракат қиладилар.

↓

3. Ўқитувчи бир неча жуфтликларга ўттиз секунд давомида аудиторияга ўз ишининг қисқа якунини ифодалаб беришини таклиф қилади.

4-Илова(1.1)

| ЖМИнинг келиб чиқиш сабаблари | ЖМИнинг ривожланган мамлакатлардаги салбий оқибатлари | ЖМИнинг Ўзбекистондаги салбий оқибатлари |
|---|---|---|
| | | |
| | | |
| | | |

5-Илова(1.1)

**Кўргазмали материаллар**

**1-савол. Жаҳон молиявий инқирозининг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва салбий оқибатлари**

Бу инқироз Америка қўшма штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

**И.А.Каримов**

Аксарият молиячи-иқтисодчилар вужудга келган молиявий инқирознинг ҳақиқий сабабларидан бири сифатида ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни ҳаддан зиёд ортиқча эркинлаштириш сиёсатининг «меваси» эканлигини, яъни «ўз-ўзини бошқарувчи бозор» ғоясини илгари суриш орқали давлатнинг миллий иқтисодиётга ва хусусан молиявий бозорларга аралашувини чекланганлиги билан ҳам изоҳламоқдалар.

Шу ўринда, жаҳон молиявий инқирозининг юзага келишида асосий сабаб – молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши ҳисобланишини таъкидлаш лозим. Пул муомаласи қонунларидан маълумки, иқтисодиёт соғлом ва барқарор амал қилиши учун муомалага чиқарилаётган пул массаси билан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажми ўртасида муайян нисбатга амал қилиниши лозим.

Маълумотларга кўра, муомаладаги пул массаси (нақд, кредит пуллар ва турли тўлов воситалари)нинг товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажмидан деярли 10 баравар, агар пулнинг айланиш тезлигини ҳам ҳисобга олинса, муомала учун зарур бўлган пул миқдоридан, яъни пулга бўлган талабдан бир неча ўн баравар кўпайиб кетганлигини англатади.

**Ривожланган мамлакатларда молиявий инқирозни вужудга келишининг асосий сабаблари**

- Норационал пул-кредит сиёсатини, ҳамда қайта молиялаш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида қарзга яшашнинг одатга ва кундалик ҳолатга айланиши
- молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблағлари ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши
- қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши
- молиявий аудит ва профессионал этика тамойилла-рини бузилиши ва сохта аудит хулосаларини тақдим этилиши
- молиявий рағбатлантириш услуби сифат кўрсаткич-ларига эмас, балки миқдорий кўрсаткичларга асосланганлиги
- юқори рискли ва мураккаб ҳосилавий қимматбаҳо қоғозларни вужудга келиши ва ҳоказо

Биринчидан банк-молия тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва ҳалқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофатлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда.

**И.А.Каримов**

## Дунёнинг айрим мамлакатлари ташқи савдо сальдосидаги ўзгаришлар (млрд.АҚШ долл.)

| Мамлакатлар | 1996 йил | 2007 йил |
|---|---|---|
| **Ривожланган мамлакатлар, жами** | **46,2** | **-798,8** |
| АҚШ | -120,2 | -854,7 |
| Япония | 65,4 | 81,0 |
| Европа Иттифоқи | 88,5 | -228,0 |
| Бошқалар | 12,5 | 202,2 |
| **Ривожланаётган мамлакатлар, жами** | **-87,5** | **509,7** |
| Хитой | 7,2 | 562,0 |
| Яқин Шарқ ва Африка | 5,9 | 311,0 |
| Бошқалар | -100,6 | -363,3 |

## Жаҳондаги айрим давлатлар ташқи қарзининг ЯИМга нисбатан динамикаси



**Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ишсизлик даражаси ва 2009 йил истиқбол кўрсаткичлари**




Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон банк-молия тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади.

**И.А.Каримов**

Учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканлигига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлилиги (тўлов имкониятига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканлигига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада – мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатбардошлик даражасига боғлиқ.

**И.А.Каримов**

11-слайд

**Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари ва 2009 йил истиқбол кўрсаткичлари**




**2-савол. Ривожланган мамлакатларнинг жаҳон молиявий инқирозидан чиқиш борасидаги чора-тадбирлари.**

Тўртинчидан, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ.

**И.А.Каримов**

АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг банк тизимларини инқироздан қутқариш учун йирик тижорат банкларининг акцияларини сотиб олиб, уларни бюджет маблағлари ҳисобига ликвидли активлар билан таъминлай бошлади.

АҚШ ҳукумати иқтисодиётга йирик масштабдаги давлат аралашуви сиёсатини юрита бошлади. «Полсон режаси» деб номланувчи режа қабул қилинди. Мазкур режанинг умумий ҳажми 700 млрд. долларни ташкил қилади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари инқироздан чиқиш бўйича тижорат банклари кредитлари учун давлат кафолатлари тизимидан фойдаланишга келишиб олишди. Бу ҳолатда кафолатлар банклараро кредитлар бўйича 5 йил муддатга тақдим этилади ва ҳукумат банкларнинг имтиёзли акцияларини сотиб олиш орқали уларни қўллаб-кувватлаш имкониятларига эга бўлади.

**Жаҳон мамлакатларининг инқирозга қарши курашга сарфлаган молиявий харажатлари**

| Мамлакат | Молиявий харажатлар, млрд. доллар | Мамлакат ЯИМга нисб. % ҳисобида (2008 йил) |
|---|---|---|
| Россия | 222 | 13,9 |
| Буюк Британия | 1020 | 37 |
| АҚШ | 3539 | 25 |
| Германия | 893 | 23 |
| Япония | 576 | 12 |
| Хитой | 570 | 13 |
| Дунё бўйича | 9400 | 15 |

**Инқирозни бартараф этишга ажратилган маблағларнинг йўналишлари**

| Мамлакат | Кредит маблағларига давлат кафолати | | Молиявий институтлар устав капиталларига қўйилмалар | | Юқори рискли, шубҳали активларнинг хариди | | Бошқалар | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | млрд. долл. | жамига нисб. % | млрд. долл. | жамига нисб. % | млрд. долл. | жамига нисб. % | млрд. долл. | жамига нисб. % | млрд. долл. |
| Россия | - | - | 185 | 84 | 11 | 5 | 25 | 11 | 222 |
| Буюк Британия | 393 | 39 | 79 | 8 | - | - | 549 | 54 | 1020 |
| АҚШ | 1769 | 50 | 714 | 20 | 663 | 19 | 394 | 11 | 3539 |
| Германия | 539 | 60 | 177 | 20 | - | - | 176 | 20 | 893 |
| Япония | 303 | 53 | - | - | - | - | 237 | 47 | 576 |
| Хитой | - | - | - | - | - | - | 570 | 100 | 570 |
| Жами | 3004 | 44 | 1155 | 17 | 674 | 10 | 1951 | 29 | 6820 |

## 3-савол. Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар

Молиявий инқирознинг республикамиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айрим қўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қилади. Бизда жаҳон хомашё бозорларида талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қобилиятининг пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши намоён бўлмоқда.

## ЖМИнинг ижобий таъсирлари

Ҳозирги инқироз эҳтимол тутилаётган салбий таъсирлардан ташқари биз учун ижобий таъсирларга ҳам эга бўлиши, янги имкониятларни вужудга келтириши мумкин. АҚШ ва Европадаги инвесторлар акциялардан бош тортиб, ўз активларини бўшатмоқдалар.

Моҳиятига кўра, қайтадан қандайдир ишга жалб этилиши зарур бўлган ресурсларни бўшатиш жараёни бормоқда. Демак, янги бозорларни, янги имкониятларни излаш бошланади. Инвесторлар капитал киритишнинг муқобил йўлларини қидирадилар. Ғарб бозорлари турғунликка юз тутган чоғда ривожланаётган мамлакатлар бозорлари ўсишнинг ижобий динамикасини кўрсатади. Шундай мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кўплаб инвесторлар Ўзбекистон бозорига эътибор қаратишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

**«Татат» компаниясининг бош директори Д.Хаитбоев**

Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга жиддий таъсири кузатилмаганлигининг асосий омиллари:

- маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танланганлиги
- давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги
- Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги
- оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги
- аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги
- давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлик барқарор ва ишончли эканлиги, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади

20-слайд

**Миллий иқтисодиётимизнинг ҳалқаро кредитлар бозоридаги конъюнктураси**

Ҳозир Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,3% ни ташкил этмоқда, экспорт ҳажмига нисбатан эса 31% дан ошмайди. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг ҳалқаро даражадаги тўлов қобилиятига эгалигини ифодалайди.

Республикамизда доимо қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечилиб, чет эл инвестициялари узоқ муддатларга, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этилди. Натижада миллий иқтисодиётимизнинг ҳалқаро кредитлар бозоридаги конъюнктурага кескин боғлиқлигини ва молиявий инқирознинг салбий оқибатларини олди олинди.

6-Илова (1.1)

## *ЭССЕ*

**Эссе** ҳажми таклиф қилинган мавзудаги 1000 сўздан 5000 сўзгача бўлган асардир.

**Эссе** – бу муаллифнинг алоҳида индивидуал позициясига эга эркин шаклдаги баёни бўлиб, қандайдир буюм ёки қандайдир сабаб бўйича умумий ёки олдиндан билдирилган фикр-мулоҳазалардан иборат бўлади.

**Далилланган эссе** бу қўйилган саволга далилланган жавоб мавжуд бўлган ёзма ишдир. Муаллиф муайян позицияга эга ва уни ҳимоя қилади, ўз позициясини қувватлаш учун бир қатор далилларни тақдим этади. Мақсад – муаллиф ўзи қўллайдиган нуқтаи назарга бошқаларни ҳам ишонтиришни хоҳлайди.

*Агар Сиз ўқувчиларни фикран тасаввур қила олсангиз ва эссени ёзиш жараёнида фикран улар билан мулоқот юрита олсангиз, унда далилланган эссени ёзиш осонлашади.*

**Далилланган эссенинг тузилиши:**

- Масала юзасидан муаллифнинг нисбий нуқтаи назарини билдириш (1 хатбоши).
- Айтилган позициянинг далилланиши – муаллифнинг шу позицияни қўллаш учун ишонарли далиллари айни позицияни қабул қилишга ишонтиради.
- Хулоса – резюме (1 хатбоши).

☝ ***Далилланган эссени баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари:***

- *мазмуннинг мавзуга мувофиқлиги;*
- *муаммони кўриш, унга муносабат, ўзининг нуқтаи назари, далилларнинг ишончлилиги;*
- *услуб: баённинг аниқлиги,очиқ-равшанлиги;*
- *ёзиш қоидаларига риоя қилиш.*

«Менинг фикримча, агар ... бўлса, мамлакатимиз иқтисодиёти гуллаб-яшнайверади» мавзуида далилланган эссе ёзинг.

**2-мавзу. Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир.**

## 2.1. Таълим бериш технологисининг модели

| | |
|---|---|
| *Машғулот вақти*-2 соат | *Талаблар сони:* 20 – 80 гача |
| *Машғулот шакли* | Муаммоли маъруза |
| *Маъруза режаси* | 1. 2008 йилда иқтисодиётимизнинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминланиши.<br>2. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш.<br>3. Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифалар.<br>4. 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмуни ва аҳамияти. |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:* 2008 йилда иқтисодиётимизнинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминланиши, Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирлари ҳақида билимларни шакллантириш. | |
| *Педагогик вазифалар*:<br>• 2008 йилда иқтисодиётимизнинг юқори ўсиш суръатлари билан таништириш;<br>• 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмуни ва аҳамиятини ёритиб бериш;<br>• муаммони шакллантириш;<br>• муаммо ости муаммоларни ажратиш;<br>• муаммо ости муаммоларни ва умуман муаммони ечиш жараёнининг кетма-кетлигини тушунтириш;<br>• муаммо ости муаммоларнинг ечиш усулларини топиш имконини бериш;<br>• муаммоли вазифаларни ечиш кўникмасини шакллантириш;<br>• муаммони ечиш бўйича якуний хулосани шакллантириш. | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>• 2008 йилда иқтисодиётимизнинг юқори ўсиш суръатлари ҳақида гапириб беради.<br>• 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмуни ва аҳамияти ёритиб беради.<br>• муаммони шакллантириш жараёнига ҳисса қўшилади.<br>• муаммо ости муаммоларни ажратиш жараёнида қатнашилади.<br>• муаммо ости муаммоларни ва умуман муаммони ечиш кетма кетлигини белгилайди;<br>• таклиф қилинган муаммо ости муаммоларнинг ечиш вариантлари баҳоланади.<br>• муаммо бўйича оралиқ хулосани шакллантирилади. |
| *Ўқитиш усуллари* | Маъруза, муаммоли усул, мунозара, биргаликда ўқиш, бахс |
| *Ўқитиш шакллари* | Фронтал, жамоавий |
| *Ўқитиш воситалари* | Ўқув қўлланма, проектор, кўргазмали материаллар |
| *Ўқитиш шароити* | УТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат: савол-жавоб шакли<br>Ёзма назорат: тест |

## 2.2. Муаммоли маърузани технологик картаси

| Ишлаш босқичла-ри, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Талабалар |
| 1-босқич. Мавзуга кириш (5 дақиқа) | 1.1. Экранга курснинг тузилмавий мантиқий чизмасини чиқаради *(1-илова),* бугунги мавзунинг ўқув курсидаги ўрнини белгилайди.<br>1.2. Олдинги машғулот: ЖМИнинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳақидаги натижаларини эслатади.<br>1.3. Ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув фаолиятининг натижаларини айтади. | Тинглашади. |
| 2-босқич. Асосий (60 дақиқа) | 2.1. Машғулотда ечиладиган муаммога талабаларни «Киритади» ва уни шакллантиради (Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижаларига мувофиқ Ўзбекистон иқтисодиётига ЖМИнинг салбий таъсирини қандай минималлаштириш мамкин?).<br>2.2. Кейинги иш мунозара шаклида ўтишини эълон қилади.<br>2.3. Муаммони ечишни ташкил қилади. Ривожланишнинг энг устивор йўналишлари бўйича макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилади.<br>2.4. Муаммони ечиш усулларини топишни ташкил қилишга ўтади: биринчи муаммо ости муаммони шакллантиради, сўнгра муаммоли саволларни қўйиш ва уларга берилган жавобларни муҳокама қилиш билан талабаларни уни ечиш усулини топишга олиб келади: биринчи оралиқ хулосага. Шунга ўхшаб кейинги муаммо ости муаммоларни ечиш усулларини топиш жараёнини ташкил қилади.<br>Талабалар билан тахмин қилинган ечимларни мунозара қилади ва уларда пайдо бўлган қийинчиликларни аниқлайди.<br>2.5 Машғулотни ташкил қилиш учун қўшимча саволлар ва хулосалар *(2-илова)* ва кўргазмали материаллардант фойдаланади *(3-илова).*<br>Муаммо бўйича якуний хулосани шакллантиради. | Муаммони ёзишади.<br><br>Саволларга жавоб беришади. |
| 3-босқич. Якуний (15 дақиқа) | 3.1. Машғулот бўйича якунловчи хулосалар қилади.<br>3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ: тестларга ёзма равишда жавоб бериш *(4-илова).* | Топшириқни ёзишади. |

1-Илова (2.1)

**Курснинг тузилмавий мантиқий чизмаси**



2-илова (2.1)

## Қўшимча саволлар ва хулосалар

**Муаммони шаклланиши:** Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижаларига мувофиқ Ўзбекистон иқтисодиётига ЖМИнинг салбий таъсирини қандай минималлаштириш мамкин?

**Ечиладиган муаммо ости муаммолари:**

*1. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ривожланишнинг қандай захиралари мавжуд?*

**Билимларни жонлаштириш**.

1.1. 2008 йилда мамлакатимиз иқтисодиётида қандай асосий натижаларга эришилди?

1.2. Мамлакатимизда аҳоли даромадлари ўсишини таъминлаш, ташқи савдо ҳамда экспорт соҳасида қандай ютуқлар қўлга киритилган?

1.3. Таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳити яратилганми?

1.4. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг қандай натижалари олинган?

1.5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис, касаначилик соҳаларида қандай ютуқлар қўлга киритилган?

1.6. Банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан такомиллаштириш борасида қандай натижаларга эришилган?

**Хулоса**. Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

*2. Инқирозга қарши чоралар дастурининг мақсади ва мазмуни қандай?*

**Билимларни жонлаштириш.**

2.1. Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмуни ва аҳамияти қандай?

2.2. Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган чора-тадбирлар орқали қандай вазифалар ечилади?

2.3. Инқирозга қарши чоралар дастурида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш учун қандай тадбирлар кўзда тутилган?

**Хулоса.** Президентимиз ўз асарларида Инқирозга қарши чоралар дастурининг аниқ бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар.

**Биринчидан** – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш.

**Иккинчидан** – жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш.

**Учинчидан** – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш.

**Тўртинчидан** – электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

**Бешинчидан** – жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

**Якуний хулоса:**

2008 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб берилган эди. Ушбу устувор йўналишлардан келиб чиқувчи вазифаларни амалга оширишда салмоқли натижа ва сезиларли ўзгаришлар қўлга киритилди: иқтисодиётининг юқори барқарор суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишлари давом эттирилмоқди.

Ўзбекистонда молиявий инқирознинг олдини олиш борасида иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришилган эди. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури тасдиқланиб, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича аниқ ижрочиларга етказилди. Дастур ижросини қатъий назорат қилишни таъминлаш мақсадида ҳукумат комиссияси ва жойларда ҳудудий гуруҳлар ташкил этилди.

3-илова (2.1)

**Кўргазмали материаллар**

**2008 йилда иқтисодиётимиз юқори ўсиш суръатларининг изчил таъминланиши**

... 2008 йил биз учун, биринчи навбатда мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлди. Лекин, юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришдик.

**И.А.Каримов**

## 2008 йилда иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳамда амалга оширилган ишлар натижалари

| Устувор йўналишлар | Асосий вазифалар | Эришилган натижалар |
|---|---|---|
| ***1-устувор йўналиш:*** **Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш** | - барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;<br>- иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш;<br>- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш. | - иқтисодий ўсишнинг барқарор ва мутаносиб суръатлари таъминланди;<br>- иқтисодиёт таркибий тузилмаси такомиллаштирилди;<br>- ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортди. |
| ***2-устувор йўналиш:*** **Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш** | - иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш;<br>- солиқ юкини камайтириш;<br>- бозор инфратузилмаси муассасалари фаолиятини ривожлантириш. | - тадбиркорлар эркинлиги ва масъулияти кучайди;<br>- инвестициялар ҳажми кўпайди;<br>- иқтисодий субъектлар фаолияти самарадорлиги ошди. |
| ***3-устувор йўналиш:*** **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш** | - кичик бизнеснинг таркибий тузилмасини яхшилаш;<br>- кичик корхоналарни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш. | - кичик бизнес соҳасида яратилаётган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги яхшиланиб, корхоналарнинг экспорт салоҳияти кучайди. |
| ***4-устувор йўналиш:*** **Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш** | - ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича Давлат дастурини амалга ошириш;<br>- мелиорация ишларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш. | - ерларнинг мелиоратив ҳолати нисбатан яхшиланди;<br>- мелиорация иншоотлари ҳолати яхшиланди;<br>- мелиорация ишлари молиявий таъминоти яхшиланди. |
| ***5-устувор йўналиш:*** **«Ёшлар йили» Давлат дастурини бажариш** | - дастурда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш;<br>- таълим тизимидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш. | - ёшларнинг ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яхшилаш самараси ошди;<br>- таълим тизимининг самарадорлиги ошди. |

**ЯИМнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда**




**Асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда**




**Давлат бюджети кўрсаткичларининг бажарилиши даражаси, фоизда**



Аҳоли пул даромадлари; иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклида олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади.

**Бюджет соҳасида фаолият юритувчи ходимлар иш ҳақининг ўсиши, марта**




**2008 йилда ўртача номинал иш ҳақи ва пенсия миқдорининг ўсиши, минг сўм**



**Аҳоли реал пул даромадларининг ўсиши (ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)**




**Ташқи савдо айланмаси ҳажмининг ўсиши, млрд. АҚШ долл.**



Бизнинг кейинги йилларда экспорт соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролни бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг натижасидир.

**И.А.Каримов**

**Инвестиция муҳити** – бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи. Инвестиция муҳити энг аввало қуйидаги иқтисодий омиллар орқали белгиланади: табиий шарт-шароитлар, шу жумладан фойдали қазилмалар заҳиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими ҳамда товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг белгиланганлиги ва ҳ.к. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён қулай инвестиция муҳитини яратиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

## Асосий капиталга инвестициялар ҳажми ва таркиби, млрд. сўм

| Кўрсаткичлар | 2007 йил | | 2008 йил | | Ўсиш суръати, %да |
|---|---|---|---|---|---|
| | ҳажми | салм.% | ҳажми | салм.% | |
| Асосий капиталга инвестициялар | 5479,7 | 100,0 | 8483,7 | 100,0 | 128,3 |
| Марказлашган инвестициялар | 1099,7 | 20,1 | 1717,0 | 20,2 | 129,1 |
| - бюджет маблағлари | 492,9 | 9,0 | 761,8 | 9,0 | 127,9 |
| - нобюджет фондлари маблағлари | 334,8 | 6,1 | 533,6 | 6,3 | 131,8 |
| - хорижий инвестициялар ва ҳукумат кафолати асосидаги кредитлар | 272,0 | 5,0 | 421,6 | 5,0 | 128,2 |
| Марказлашмаган инвестициялар | 4380,0 | 79,9 | 6766,7 | 79,8 | 128,0 |
| - корхоналар маблағлари | 2610,0 | 47,6 | 3741,1 | 44,1 | 118,6 |
| - аҳоли маблағлари | 621,9 | 11,3 | 828,0 | 9,8 | 112,0 |
| - тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 975,7 | 17,8 | 1772,1 | 20,9 | 150,2 |
| - тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 172,4 | 3,1 | 425,5 | 5,0 | 246,8 |

Жаҳон инқирози давом этаётганига қарамасдан, 2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳажми 1 миллиард 800 миллион долларга кўпаяди, бунинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри инвестициялардир.

**Инвестиция жараёнларига давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағлар динамикаси (млрд. сўм)**




**2008 йилда қишлоқ хўжалиги асосий маҳсулот турларининг турли хўжалик юритиш шакллари томонидан ишлаб чиқарилиши**



## Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши




## Хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ даги улуши




Ҳозирги вақтда республикамиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқдир. Бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир. Бу эса бизда ликвидлик, яъни тўловларга қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, деб айтиш учун асос беради.

**Банкларнинг жами капитали, млрд. сўм**




**Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар миқдори, млрд. сўм**



## Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш.

...мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади.

**И.А.Каримов**

## Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифалар

Президентимиз ўз асарларида Инқирозга қарши чоралар дастурининг аниқ бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар.

**Биринчидан** – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш.

## Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-кувватлашнинг асосий йўналишлари




**Иккинчидан** – жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш.

## Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чоралари

| | |
|---|---|
| 2009 йил январь ҳолатига корхоналарнинг кредиторлик қарзларини реструктуризациялаш ва бюджет, бюджетдан ташқари фондларга электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар бўйича пеняларни | ҳисобдан ўчириш |
| Қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш муддатини қисқартириш | 30 кундан 20 кунгача |
| Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармояли корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари муддатини узайтириш | 2012 йилгача |
| Ўз вақтида валюта тушумлари келиб тушмаганлиги учун жарима чоралари ҳисобланадиган муддатни узайтириш | 30 кундан 60 кунгача |
| Айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда имтиёзли кредитлар бериш | 12 ойгача бўлган муддатга |

**Учинчидан** – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш.

## Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари

**Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари**

- Импорт қилинадиган ресурслар нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш
- Материаллар сарфи нормаларини пасайтириш
- Маҳаллийлаштириш даражасини ошириш
- Махсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш
- Фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш кувватларини консервация қилиш
- Маъмурий бошқарув ходимлари сонини қисқартириш

**Тўртинчидан** – электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

**Энергия ресурслари ва коммунал хизматларга нархлар (тарифлар) динамикаси, олдинги йилга нисбатан, фоизда**



**Бешинчидан** – жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

**Маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилган лойиҳалар ва уларда иштирок этган корхоналар сони**




**2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмуни ва аҳамияти**

Маҳаллийлаштириш дастури ўз мазмунига кўра республикамиз корхоналарида замонавий талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, асоссиз импорт ҳажмини қисқартириш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги иш жойларини яратиш каби мақсадларни намоён этади.

**Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм**




**Истеъмол товарлар ишлаб чиқаришда худудларнинг улуши (2008 й)**



4-илова(2.1)

**Ўз-ўзини текшириш учун тестлар**

1. **Ўтган 2008 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришини ривожлантиришда қандай ишлар амалга оширилди?**

А) 2008 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор суръатлар билан ўсиши кузатилди.

Б) Макроиқтисодий мутаносиблик таъминланди.

В) Ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишлари давом эттирилди.

Г) Барча жавоблар тўғри

**2. Республикамизда иқтисодий ўсишга эришишда қандай ишлар муҳим аҳамият касб этади ?**

А) Кенг кўламли тизимли бозор ислоҳотларини жорий этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

Б) Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш.

В) Экспортга ихтисослашган янги тармоқ ва корхоналар барпо этиш, бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш.

Г) Барча жавоблар тўғри.

**3. Ўзбекистоннинг савдо балансидаги асосий ўзгариш, яъни экспорт ва импортнинг ўзгариши қайси мамлакатлар ҳисобидан амалга оширилмоқда?**

А) Осиё бозорлари ҳисобидан

Б) Европа бозорлари ҳисобидан

В) Америка бозорлари ҳисобидан

Г) Австралия бозорлари ҳисобидан

**4. Республикамиз бюджет ташкилотларида ўртача иш ҳақи қанча мидорда ўзгарган?**

А) 1,5 баробар миқдорда

Б) 2 баробар миқдорда

В) 10 баробар миқдорда

Г) Ошмаган

**5. Ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш бўйича қандай ишлар амалга оширилди ?**

А) Солиқ юки камайтирилди.

Б) Банклар томонидан кредилашнинг янги турлари жорий этилди.

В) Хорижий инвестициялар жалб этишга шароитлар яратилди.

Г) Барча жавоблар тўғри .

**6. Республикамизда 2008 йилда фермер хўжаликларини ривожлантириш мақсадида қандай амалий ишлар қилинди?**

А) Ер майдонлари оптималлаштирилди.

Б) Хорижий инвестицияларга қулай шароитлар яратилди.

В) Қишлоқ хўжалигини хусусиятларидан келиб чиқиб, солиқларни оптималлаштиришга эришилди.

Г) Барча жавоблар тўғри.

**7. 2008 йилда Республикамизда касаначиликни ривожлантириш орқали канча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилган?**

А) 34 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Б) 68 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

В) 134 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Г) 17 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

**8. Халқаро "Мудис" ва "Фитч" рейтинг агентликлари Республикамизнинг қайси банкларига "барқарор" хулосасини бердилар?**

А) Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва "Ғаллабанк"

Б) "Рахтабанк" ва "Ҳамкорбанк"

В) "Ўзсаноатқурилишбанк" ва "Асакабанк"

Г) Барча жавоблар тўғри.

**9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқида 2009 йилнинг энг устувор вазифаси сифатида нималар тилга олинган?**

А) Глобал иқтисодий инқирозга қарши тадбирлар дастурининг амалга оширилиши

Б) "Ёшлар йили" Давлат дастурининг амалга оширилиши

В)"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши

Г) Барча жавоблар тўғри.

**10. Инқирозга қарши чоралар дастурининг аниқ бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар нималардан иборат?**

А) корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш

Б) жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишини қўллаб-қувватлаш

В) қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш

Г) Барча жавоблар тўғри.

## 2.3. Таълим бериш технологиси модели

| | |
|---|---|
| *Машғулот вақти*-2 соат | Талаблар сони: 20 – 80 гача |
| *Машғулот шакли* | Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан амалий машғулот |
| *Машғулот режаси* | 1. Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар.<br>2. 2008 йилда иқтисодиётимизнинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминланиши.<br>3. Инқирозга қарши чоралар дастурини изчил амалга ошириш – мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши. |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:* мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва чуқурлаштириш. | |
| *Педагогик вазифалар*: | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
| • мавзу бўйича билимларни ўзлаштириш ва кенгайтиришга мотивация яратиш;<br>• мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;<br>• ахборотни таҳлил қилиш, тизимлаштириш, солиштириш ва умумлаштириш бўйича кўникмалар ишлаб чиқиш;<br>• мавзу саволлари бўйича изоҳлаш ва шакллантириш жараёнини ташкил қилиш. | • жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омилларни айтилади.<br>• 2008 йилда мамлакатимиз иқтисодиётида эришилган асосий натижалар ҳамда изчил ривожланишнинг муҳим омиллари санаб берилади ва изоҳланади.<br>• инқирозга қарши чоралар дастурининг моҳияти ва мазмунини ҳақида гапириб берилади. |
| *Ўқитиш усуллари* | Гуруҳларда ишлаш, тақдимот, график органайзер |
| *Ўқитиш шакллари* | Фронтал, жамоавий, индивидуал. |
| *Ўқитиш воситалари* | Ўқув қўлланма, проектор, график органайзерлар. |
| *Ўқитиш шароити* | УТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат: савол-жавоб шакли |

## 2.4. Амалий машғулот технологик картаси

| Ишлаш босқичла-ри, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Талабалар |
| 1-босқич. Мавзуга кириш (10 дақ. ) | 1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади, муҳокама учун саволлар, кўзланаётган натижалар ва машғулотни олиб бориш хусусиятларини маълум қилади. Энг юқори балл тўплаган гуруҳ ғолиб бўлишини эълон қилади. Гуруҳларда ишлаш қоидаси билан таништиради (*1-илова*).<br>1.2. Талабалар билимини жонлаштириш учун жалб қилувчи саволлар беради:<br>1. ЖМИ Ўзбекистон иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатди?<br>Инқирозга қарши чоралар дастурининг мақсади нимадан иборат? | Тинглайдилар.<br>Саволларга жавоб берадилар. |
| 2-босқич. Асосий (65 дақиқа) | 2.1. Талабаларни 3 гуруҳга бўлади. Ўқув топшириғини тарқатади (*2-илова*).<br>Кўзланаётган қандай ўқув натижаларига эга бўлинишини аниқлайди. Иш тартиби ва регламенти, баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини тушунтиради (*3-илова*).<br>2.2. Гуҳларда иш бошланганлигини маълум қилади. Кузатувчи сифатида гуруҳ ишини назорат қилади, алоҳида ишларни ташкил қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар беради, очиқ саволлар беради: “Нима учун худди шундай...?, Сизнингча энг яхшиси қандай?”<br>2.3. Гуруҳларга жадвал саволларини бўлиб ташлайди, ҳар бир гуруҳга битта саволга жавоб беришни таклиф қилади. Жадвалнинг 4 саволи бўйича барча гуруҳлар ўзларининг жавоб вариантларини беришларини сўрайди.<br>Ўқув натижаларини шарҳлайди, топшириқни бажариш жараёнидаги қилинган алоҳида хулоса, умумлаштиришларга аҳамият беради ва гуруҳларни ўзаро баҳолашларини ташкиллаштиради. | Ўқув топшириқлари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар.<br>Гуруҳ аъзолари жадвал тўлдирадилар.<br>Ўқув топшириғи бўйича гуруҳли иш натижаларини ифодалайдилар ва тақдимот варақларини расмийлаштирадилар.<br>Тақдимотга тайёрланадилар.<br>Берилган савол бўйича гуруҳ фаоллари тақдимот қиладилар ва бошқа гуруҳлар аъзолари жавобни тўлдирадилар.<br>Ўзаро баҳолайдилар. |
| 3-босқич. Якуний (5 дақиқа) | 3.1. Гуруҳларнинг ўзаро баҳолашнинг якунини чиқаради, ўқув фаолият натижаларини таҳлил қилади. | Тинглайдилар. |

**1-илова**

***Гуруҳларда ишлаш қоидаси***

- Шеригингизни диққат билан тингланг.
- Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндошинг.
- Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат килинг.
- Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.
- Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш оркали ўзимиз ўрганамиз;
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чикамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

**2-илова**

**Ўқув топшириғи**

1. Аввал олинган билимларни қўллаб, жадвални тўлдиринг.
2. Саволлар бўйича бирга тақдимот қилинг (1-3)
3. Иқтисодиётнинг ривожланиш башоратини беринг.

| **Жаҳон иқтисодиёти** | **Ўзига хос хусусиятлари** | **Ўзбекистан Республикаси** |
|---|---|---|
| | 1. Инқирознинг келиб чиқиш сабаблари | |
| | 2. Инқирознинг намоён бўлиши | |
| | 3. Бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар | |
| | 4. Иқтисодиётнинг ривожланиш башорати (ўзингизнинг фикрингиз) | |

**3-илова**

**Иш тартиби ва регламенти**

1. Гуруҳларда ишлаш - 20 дақиқа.
2. Тақдимот - 10 дақиқа.
3. Жамоавий муҳокама ва ўзаро баҳолаш – 15 дақиқа

**Ўқув фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари**

| Гуруҳлар | Савол ёритилишининг тўлиқлиги (5 балл) | Жавобларга бошқа гуруҳларнинг тўлдириши (0,5 баллдан) | Башорат варианти (2 балл) | Умумий балл |
|---|---|---|---|---|
| **1** | | | | |
| **2** | | | | |
| **3** | | | | |

# 3-МАВЗУ. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг аҳамияти ва асосий йўналишлари

## 3.1. Таълим бериш технологияси модели

| | |
|---|---|
| *Машғулот вакти:* 2 соат | *Талабалар сони:* 25 –60 |
| *Маҳулот шакли* | Ахборот-кўргазмали маъруза |
| *Маъруза режаси* | 1. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари.<br>2. Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар.<br>3. Қишлоқда ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш.<br>4. Қишлоқдаги мулкдор ва тадбиркорларнинг аҳамиятини ошириш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш. |
| *Ўқув машғулотининг мақсади*: | «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ҳақида умумий тасаввурни ҳосил қилиб, бу борадаги билимларни шакллантириш. |
| *Педагогик вазифалар:*<br>•Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий йўналишларини тавсифлаб беради;<br>• Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирларни баён қилади;<br>• Қишлоқда ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот беради;<br>• Қишлоқдаги мулкдор ва тадбиркорларнинг аҳамиятини ошириш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича маълумот беради. | *Укув фаолият натижалари:*<br>• Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий йўналишларини тавсиф бера оладилар.<br>• Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирларини айтиб бера оладилар.<br>• Қишлоқда ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот бера оладилар.<br>•Қишлоқдаги мулкдор ва тадбиркорларнинг аҳамиятини ошириш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳақида айтиб бера оладилар. |
| *Ўқитиш услуби* | Ақлий ҳужум усули, жонлаштириш саволлари, график органайзер (категориал жадвал) |
| *Ўқитиш шакли* | Фронтал ва жамоавий ишлаш |
| *Ўқитиш воситалари* | Визуал материаллар, лазер проектори, компьютер технологиялари |
| *Ўқитиш шартлари* | Техник воситалар билан таъминланган аудитория |

| | |
|---|---|
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест, рейтинг тизими асосида баҳолаш |

**3.2. Маъруза машғулоти технологик картаси**

| Ишнинг босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Талабалар |
| 1–босқич. Тайёрлов қисми (10 дақиқа) | 1.1.Курснинг тузилма-мантиқий чизмасини (1-илова) экранга чиқаради ва мазкур ўқув машғулотнинг ўрнини аниқлайди;<br>1.2. Машғулотнинг номини, ўтказиш жараёнини, режалаштираётган мақсад ва натижаларни эълон қилади.<br>1.3. Талабалар билимларини шакллантириш мақсадида жонлаштириш саволларини беради:<br>- Қандай мақсад билан бу йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланган?<br>- Сизни фикрингиз бўйича республикамиз қишлоқ хўжалиги ривожланишига жаҳон инқирози таъсир кўрсатдими ёки йўқми?<br>- Қишлоқ хўжалиги соҳасида қандай илғор йўналишлар белгиланди?<br>Жавобларни умумлаштиради. | Тинглайдилар.<br><br>Саволларга жавоб берадилар. |
| 2-босқич Асосий қисм (50 дақиқа) | 2.1. Мавзу режаси бўйича тайёрланган визуал материаллар асосида маъруза ўқийди (2-илова).<br>Ҳар бир савол ниҳоясини умумлаштириб хулосалайди.<br>Мавзу бўйича алоҳида аҳамиятли қисмларни ёзиб олишни тавсия этади.<br>2.2. «Ақлий ҳужум» техникасидан фойдаланилган ҳолда (3-илова), талабаларга қуйидаги саволга жавоб беришни таклиф қилади:<br>- Қишлоқ хужаликда ишлаб чикаришни ривожлантириш қандай рағбатлантирилади?<br>Доскада жавобларни ёзиб чиқишни ташкиллаштиради.<br>2.3. «Ақлий ҳужум» тугагач, ҳамма жавобларни мезонлар бўйича бирлаштириб, категориал жадвални тузишни таклиф этади.<br>2.4. Талабалар билан ҳамкорликда категорил жадвални ишлаб чиқади. Категориал жадвалга қўшимчалар киритади.<br>Охирги жадвал вариантини конспектга кўчиришга таклиф этади (4-илова). | Эшитадилар, қисқача тарзда ёзиб борадилар.<br><br>Саволга жавоб берадилар.<br><br>Мезонларни аниқлайдилар, жавобларни мезонлар бўйича бирлаштирадилар ва тушунарсиз жойларини сўрайдилар. |
| 3–якуний босқич (20 дақиқа) | 3.1.Талабаларнинг жавобларига баҳо беради.<br>3.2. Мавзу бўйича умумий хулоса беради ва асосий жиҳатларда эътиборни кучайтиради. | Вазифани бажарадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | 3.3. Мустақил таълим учун вазифа беради: тест саволларига жавоб бериш (5-илова). | |

**3.1-илова**

## Курснинг тузилмавий мантиқий чизмаси



**3.2-илова**

**1-савол.** «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари

**«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари**

- Қишлоқда яшовчиларнинг манфаатларини янада тўликроқ таъминлаш учун қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш
- Қишлоқда уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини қуришни лойиҳалаштириш, қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштиришни ташкил қилиш тизимини тубдан яхшилаш
- Қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш асосида турмуш сифатини ошириш
- Маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳаллий материаллардан, йиғма конструкциялардан фойдаланган ҳолда қишлоқда индустриал ва йиғма технология қурилишини жорий қилиш
- Электр энергияси билан таъминловчи мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш ҳисобидан қишлоқни кафолатланган электр энергияси билан тўхтовсиз таъминлаш учун шароитлар яратиш
- Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, имтиёзлар бериш, қишлоқда шаклланадиган янги мулкий муносабатларни, ўрта табақа–мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг ва ишбилармонларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш
- Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган ва тасдиқланган Давлат дастури асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш
- Қишлоқда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган саноат ишлаб чиқаришни, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қуриш ва яратишни жадал ривожлантириш; сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини янги сифат даражасига кўтариш асосида қишлоқ аҳолисини, аввало ёшларни иш билан таъминлаш, фуқароларнинг даромадларини ва турмуш даражасини ошириш
- Фуқароларнинг соғлигини ҳимоя қилишни яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, қишлоқда маориф тизимининг сифатини янада яхшилаш, янги поғонага кўтариш, қишлоқ жойларда мактаб ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш

**Қишлоқда яшовчиларнинг манфаатларини янада тўлиқроқ таъминлаш учун қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш**

↓

Амалдаги қонунларга фермер хўжаликларига берилган ер майдонлари ҳажмини оптималлаштиришни, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни ҳамда ер-сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича жавобгарликни оширишни кўзда тутувчи ўзгартиришлар киритиш

↓

Қишлоқ жойларда лойиҳалаштириш ва қурилиш тизимини тубдан такомиллаштиришни кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари лойиҳасини ишлаб чиқиш

**Электр энергияси билан таъминловчи мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш ҳисобидан қишлоқни кафолатланган зарурий электр энергияси билан мунтазам таъминлаш учун шароитлар яратиш**

↓

Мавжуд электр таъминоти тармоқларини капитал таъмирлаш, электр узатиш тармоқларини барпо этиш ва 2 та подстанция қуриш

↓

Юқори қувватли электр таъминоти тизимини қайта қуриш ва таъмирлаш, янги электр узатиш тармоқларини барпо этиш ва 29 та подстанцияларни қайта қуриш

↓

Юқори, ўрта ва паст босимли газ таъминоти объектларини, газ тақсимлаш тармоқларини капитал таъмирлаш

**Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат дастури асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мақсадли комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш орқали тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш**

↓

Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, фермер хўжаликлари уюшмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш

↓

Магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторларни ва ёпиқ, горизонтал ва вертикал дренажларни қуриш, қайта тиклаш ва таъмирлаш, тик дренаж ва суғориш қудуқларини тиклаш, таъмирлаш ва қайта қуриш

↓

Ирригация иншоатларини таъмирлаш, 2009-2020 йилларга мўлжалланган томчилаб суғориш дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш

**2-савол.** Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар

**Қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш асосида турмуш сифатини ошириш ишларини амалга ошириш**

↓

**Қишлоқ аҳолисини яшаш жойларини яхшилаш**

↓

**Қишлоқда автомобиль йўлларини ривожлантириш ва транспорт хизматини яхшилаш**

↓

**Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш**

↓

**Қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини, сервисни янги сифат даражасига кўтариш**

↓

**Аҳоли яшаш пунктларини ободонлаштириш**

**Фуқароларнинг соғлигини ҳимоя қилишни яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, қишлоқда маориф тизими сифатини янада яхшилаш, янги поғонага кўтариш, қишлоқ жойларда мактаб ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини мутаҳкамлаш**

↓

«Саломатлик-2» инвестицион лойиҳасини амалга ошириш, туғруқхоналарни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, «Мурувват» уйларини ва дам олиш санаторияларини моддий-техника базасини яхшилаш

↓

2 ёшгача бўлган болаларни эмлаш профилактикасини амалга ошириш, қишлоқ жойларда профилактик-даволаш сифатини яхшилаш чораларини белгилаш, 2009/2010 йилларда академик лицей, касб-ҳунар коллежларини ва умум-таълим мактабларини ишга тушириш ва капитал таъмирлаш ва компьютер билан таъминлаш

↓

Болалар спорт иншоотларини қайта таъмирлаш

**3-савол.** Қишлоқда ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш

**Қишлоқ аҳолисининг яшаш жойларини яхшилаш**

↓

Якка тартибдаги уй-жойлар қурилиш бўйича дастур ишлаб чиқиш (жорий йилда қишлоқда 7100 минг кв.м. майдонга тенг уй-жойни қуриб битириш)

↓

қишлоқ қурилиши бўйича минтақаларда бўлимларга эга бўлган махсус тижорат банкини ташкил қилиш (500 минг кв.м. майдонга тенг бўлган якка тартибдаги уй-жойларни кредитлаштириш асосида капитал ремонт қилиш)

↓

аҳоли пунктларини ёппасига инвентаризациядан ўтказиш орқали аҳоли ва юридик шахсларнинг келажакда сув, электр энергиясига эҳтиёжини аниқлаш

↓

Уй-жой қуриш учун қўшимча ер майдонлари мавжудлиги ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш бўйича қўшимча ишчи кучига талабни аниқлаш, уй-жой қуриш учун қишлоқ аҳолисига соддалаштирилган кредитларни камида 10 йил муддатга янги ташкил қилинадиган махсус банклардан ажратишни ташкил қилиш

↓

Ёш оилаларга, фермер хўжалиги ходимларига уй-жой фондини қуришга узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратиш механизмини ишга тушириш, вилоятларда ва Қорақалпоғистон Республикасида уй-жойларни қуриш, ремонт ва реконструкция қилиш ишларини бажарувчи махсус пудрат ташкилотларини ташкил қилиш ва уларни барча турдаги солиқлардан, бюджетдан ташқари фондларга тўловлардан озод қилиш

**Қишлоқда автомобиль йўлларини ривожлантириш ва транспорт хизматини яхшилаш**

↓

автомобиль йўлларини таъмирлаш чораларини амалга ошириш

↓

мавжуд маршрутларни ривожлантириш ва қўшимча автобус маршрутини очиш орқали қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатувчи автомобиль хизматини, сифатини ва даражасини ошириш

**Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш**

Қишлоқда янги сув ўтказгич қувурлари ва сув тармоқларини қуриш, аҳоли пунктларидаги сув билан таъминлаш объектларини таъмирлаш

Халқаро молия институтларининг кредитлари ва қарз маблағлари ҳисобига сув таъминотини яхшилаш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш

2010-2015 йилларга мўлжалланган қишлоқ ҳудудларини барқарор сув билан таъминлаш лойиҳасини ишлаб чиқиш

**Қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини, сервисни янги сифат даражасига кўтариш**

Қишлоқ жойларда чакана савдо, овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, қурилиш ҳисобидан янги иш ўринларини яратиш

Қишлоқ аҳоли пунктида 2009-2015 йилларда камида биттадан минибанк ташкил этишга эришиш

Ахборот-ресурс марказларини очиш, ижтимоий объектларни телефонлаштириш, почта хизматини ривожлантириш

**Аҳоли яшаш пунктларини ободонлаштириш**

Моддий-техника базасини кучайтириш, тракторлар ва бошқа махсус транспорт техникаси билан таъминлаш

Қурилиш материаллари корхоналари, цемент, гипс, оҳак, ғишт ишлаб чиқариш корхоналари, кровел (ёпғич) материаллари ишловчи корхоналар қуриш

деҳқон бозорларини ободонлаштириш

**4-савол.** Қишлоқдаги мулкдор ва тадбиркорларнинг аҳамиятини ошириш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш

**Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашни давом эттириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги имтиёзлар бериш, қишлоқда шаклланадиган янги мулкий муносабатларни, ўрта табақа – мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг ва ишбилармонларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш**

↓

фермер хўжаликларини инвестициялар жалб этиш, маҳсулотларни қайта ишлаш ва замонавий минитехнологиялар олиб кириш ва янги иш ўринларини барпо этиш соҳаларида қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш

↓

«Қишлоқ жойларда ишбилармонлик ва тадбиркорлик фаолиятни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш

↓

Фермерларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш

↓

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларни техника билан лизинг асосида, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан ва корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан таъминлаш

↓

Чорвачиликнинг озуқа базасини кенгайтириш, зотли чорва моллари яратиш ишларини кучайтириш ва зооветеринария хизмати сифатини ошириш

**3.3.-илова**

***«Аклий хужум» усулининг асосий қоидалари:***

- Олға сурилган фикр ва ғоялар танқид остига олинмайди ва баҳоланмайди.
- Таклиф килинаётган фикр ва ғоялар қанчалик фантастик ва антиқа бўлса ҳам, уни баҳолашдан ўзингизни тийинг!
- Танқид қилманг – ҳамма билдирилган фикрлар бир хилда бебаҳодир.
- Фикр билдирилаётганда бўлманг!
- Мақсад – фикр ва ғоялар сонини кўпайтириш.
- Қанчалик кўп фикр ва ғоялар билдирилса шунчалик яхши. Янги ва бебаҳо фикр ва ғояларнинг пайдо бўлиш эхтимоли пайдо бўлади.
- Агар фикрлар қайтарилса асабийлашманг ва ҳайрон бўлманг.
- Ҳаёллар «тўзғишига» ижозат беринг.
- Бу муаммо фақатгина маълум усуллар ёрдамидагина ҳал бўлиши мумкин, деб ўйламанг.
- Фикрлар «ҳужуми»ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга қатъиян риоя қилиниши шарт.
- Берилган саволга қисқача (1-2 сўздан иборат) жавоб берилади.

**3.4.-илова**

**Тоифалаш жадвали (ўқитувчининг назорат варианти)**

| **Йўналишлар** | **Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш** | **Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш** | **Турмуш даражаси** | **Ишлаб чиқариш Инфратузил-маси** |
|---|---|---|---|---|
| Чора-тадбирлар | Электр энергияси билан таъминловчи мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш | Фермер хўжаликларига инвестициялар жалб этиш | «Саломатлик-2» инвестицион лойиҳасини амалга ошириш | Қишлоқда автомобиль йўлларини ривожлантириш ва транспорт хизматини яхшилаш |
| | Газ таъминоти объектларини ва тақсимлаш тармоқларини капитал таъмирлаш. | Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини техника билан лизинг асосида таъминлаш | Туғруқхоналарни ва дам олиш санаторияларини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш | Якка тартибдаги уй-жойлар қуриш бўйича дастур ишлаб чиқиш |
| | Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш | Замоновий мини-технологиялар олиб кириш | Қишлоқ жойларда профилактика-даволаш сифатини яхшилаш | Қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини, сервисни янги сифат даражасига кўтариш |

**3.5.-илова**

## НАЗОРАТ ТЕСТЛАРИ

**1. Республикамизда ўтган 2008 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўсиши тенденцияси:**

А) 4,5 фоиз
Б) 5,5 фоиз
В) 7,2 фоиз
Г) 4,3 фоиз

**2. Аҳолининг реал даромадлари йил давомида жон бошига қанча фоизга кўпайган?**

А) 23,0 фоизга
Б) 70,0 фоизга
В) 11.2 фоизга
Г) 1.2 фоизга

**3. 2008 йилда Республикамизда фермер хўжаликларининг пахта ва ғалла етиштиришдаги улуши қандай бўлган?**

А) Мос равишда 99,1 ҳамда 79,2 фоизни ташкил этган.
Б) Мос равишда 89,1 ҳамда 80,2 фоизни ташкил этган.
В) Мос равишда 75,1 ҳамда 78,2 фоизни ташкил этган.
Г) Мос равишда 99,1 ҳамда 100.0 фоизни ташкил этган.

**4. Республикамизда 2008 йилда фермер хўжаликларини ривожлантириш мақсадида қандай амалий ишлар қилинди?**

А) Ер майдонлари оптималлаштирилди.
Б) Хорижий инвестицияга қулай шароитлар яратилди.
В)Қишлоқ хўжалигини хусусиятларидан келиб чиқиб солиқларнинг оптималлаштирилишига эришилди.
Г) Барча жавоблар тўғри.

**5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқида 2009 йилнинг энг устувор вазифаси сифатида нималар тилга олинган?**

А) Глобал иқтисодий инқирозга қарши тадбирлар дастурининг амалга оширилиши
Б) “Ёшлар йили” Давлат дастурининг амалга оширилиши
В) “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши
Г) Барча жавоблар тўғри.

**6. Инқирозга қарши чоралар дастурининг аниқ бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлари нималардан иборат?**

А) корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш

Б) жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишини қўллаб-қувватлаш

В) қатъий тежамкорлик тизимини жорий етиш, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш

Г) Барча жавоблар тўғри.

**7. Президентимиз ўз нутқида иккинчи энг муҳим устувор вазифа сифатида нималарни кўзда тутди?**

А) Бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш

Б) Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастурининг амалга оширилиши

В) Йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларини хусусийлаштириш

Г) Барча жавоблар тўғри.

**8. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида нималар кўзда тутилган?**

А) Қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш

Б) Ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш

В) Мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш

Г) Барча жавоблар тўғри.

**9. 2009 йилда қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича махсус ташкил этилган Фонд ҳисобидан қанча маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда?**

А) Жорий йилда 58 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

Б) Жорий йилда 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

В) Бу соҳага маблағ режалаштирилмаган

Г) Аниқ эмас

**10. Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан 2009 йил – "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан ишлаб чиқилаётган Давлат дастурининг асосий вазифаси нимадан иборат бўлади?**

А) Дастур ижроси билан боғлиқ қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, янги қонунлар қабул қилиш, тегишли қонун ҳужжатларига, Ер кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

В) Қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш принципиал муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунинг учун қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий жиҳатдан лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим.

В) Қишлоқда саноат ишлаб чиқариш ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Г) Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат Дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар тизимининг изчил амалга оширилишига – яъни, экин майдонларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ирригация-мелиорация объектларининг тегишли техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш.

Д) Барча жавоблар тўғри.

**4-МАВЗУ. Таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини янада ривожлантириш – устувор вазифа. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, банк ишини янада такомиллаштириш–мамлакатни модернизация қилишнинг муҳим омили.**

## 4.1. Таълим бериш технологияси модели

| | |
|---|---|
| *Машғулот вақти:* 2 соат | *Талабалар сони:* 25 –60 |
| *Машғулот шакли* | Ахборот-кўргазмали маъруза |
| *Маъруза режаси* | 1. Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши.<br>2. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг янада кучайтирилиши.<br>3. Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалар.<br>4. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш дастурининг моҳияти ва асосий вазифалари.<br>5.Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини кучайтириш – аҳоли фаровонлигини оширишнинг асоси.<br>6.Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш.<br>7. Банкларда омонатларнинг кўпайишига, уларнинг банк тизимига жалб этилишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш чора-тадбирлари. |
| *Ўқув машғулотининг мақсади*:<br>Таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, банк ишини янада такомиллаштириш – мамлакатни модернизация қилишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида умумий билимларни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштиришларига кўмаклашиш. | |
| *Педагогик вазифалар:*<br>• Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши ҳақида маълумот беради; | *Укув фаолият натижалари:*<br>• Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши ҳақида маълумот бера оладилар. |

| | |
|---|---|
| • Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни ёритиб беради;<br>• Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги муҳим вазифаларни тавсифлаб беради.<br>• Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш дастурининг моҳияти ва асосий вазифаларини айтиб беради;<br>• Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштиришга қаратилган ишлар ҳақида маълумот беради;<br>• Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишларни, банкларда омонатларнинг кўпайишига, уларнинг банк тизимига жалб этилишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш чора-тадбирларни ёритиб беради. | • Кичик бизнесни қўллаб-кувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларини айтиб бера оладилар.<br>• Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалар ҳақида маълумот бера оладилар.<br>• Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш дастурининг моҳияти ва асосий вазифаларини тавсифлаб бера оладилар.<br>• Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштиришга каратилган ишлари ҳақида маълумот бера оладилар.<br>• Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишларни, банкларда омонатларнинг кўпайишига, уларнинг банк тизимига жалб этилишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш чора-тадбирларни ёритиб бера оладилар. |
| *Ўқитиш услуби* | Блиц-сўров, график органайзерлар техникаси (кластер) |
| *Ўқитиш шакли* | Фронтал, индивидул ва жамоавий ишлаш |
| *Ўқитиш воситалари* | Визуал материаллар, лазер проектори, компьютер технологиялари |
| *Ўқитиш шартлари* | Техник воситалар билан таъминланган аудитория |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Огзаки назорат, савол-жавоб, назорат саволлар, рейтинг тизими асосида баҳолаш |

## 4.2. Маъруза машғулотнинг технологик картаси

| Ишнинг босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Талабалар |
| 1–босқич. Тайёрлов қисми (10 дақиқа) | 1.1.Машғулотнинг номи ва мақсади, ўтказиш жараёни, кутилаётган натижалар билан таништиради.<br>Тарқатма материалларни беради.<br>1.2. Талабалар диққатини жалб этиш учун жуфтлик ҳосил килиб, қуйидаги саволларга мустақил фикрлаб, фикрларни муҳокама қилиб жавоб беришни тавсия қилади:<br>- Давлат томонидан кичик бизнесни қуллаб-қувватлашга қаратилган қандай чора-тадбирлар белгиланган?<br>-Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш дастури қандай мақсад билан ишлаб чиқилган?<br>- Қандай омиллар банк тизимига омонатларнинг жалб этилишига тўсқинлик қилаяпти?<br>Блиц-сўров ўтказади. Жавобларни мавзу саволлари билан умумлаштиради ва хулосалайди. | Тинглайдилар.<br><br>Жуфтлик ташкил этишади, муҳокама қилишади, ўйлаб саволларга жавоб беришади. |
| 2-босқич Асосий қисм (50 дақиқа) | 2.1. Кўргазмали материаллар асосида маъруза ўқийди (1-илова).<br>Мавзу буйича алоҳида аҳамиятли жойларида тўхталиб, ёзиб олишларини тавсия этади.<br>2.2. Талабаларга вазифа беради:<br>Мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш жараёнларини давом эттириш бўйича илғор вазифаларни «Кластер» органайзердан фойдаланилган ҳолда (2-илова) кўрсатиб бериш.<br>Жавобларни мавзу саволларига таянган ҳолда бажаришни ташкиллаштиради. Кузатувчи сифатида ишга киришади, ишни назорат қилади.<br>2.3. Такдимот бошланишини эълон қилади. Бир-иккита талабаларни тузган кластерларини доскада баён қилишни таклиф этади.<br>2.4. Талабалар билан ҳамкорлигда кластерга қўшимчалар киритади ва аниқлаштиради.<br>Охирги кластер вариантини конспектга кўчиришга таклиф этади (3-илова).<br>Бажарилган ишларни шарҳлайди ва якуний хулоса чиқаради. | Тинглайдилар, ёзадилар, муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар.<br><br>Кластер қоидалари билан танишиб чикадилар, сўнгра вазифани индивидуал бажаришга киришадилар, кластерни расмийлаштиршади, такдимотга тайёргарлик кўришади.<br><br>Кластер вариантларини такдим этадилар. Камчиликларини тўлдирадилар, қўшимчаларни киритадилар. Саволларга жавоб берадилар. Охирги кластер вариантини кўчирадилар. |
| 3–якуний босқич (20 дақиқа) | 3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса беради ва бажарилган ишнинг аҳамиятлилигини изоҳлайди.<br>3.3. Мустақил ишлаш учун вазифа беради: назорат саволларига жавоб бериш (4-илова). | Вазифани бажарадилар. |

**4.1.-илова**

**МАМЛАКАТИМИЗДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ДАВОМ ЭТТИРИЛИШИ.**

Бугунги кунда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилмоқда.

**Узоқ муддатга мўлжалланган Дастур лойиҳалари таркиби, млрд. долл.**




Бугунги кундаги асосий вазифамиз – ҳар бир лойиҳани қисқа муддатларда барча манфаатдор тузилмалар, биринчи навбатда, хорижий инвесторлар билан биргаликда батафсил кўриб чиқиш, улар бўйича келишувларни охирига етказиш ва 2009-2014 йилларга белгиланган ушбу стратегик муҳим дастурнинг қабул қилинишини тезлаштиришдан иборат.

Самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига бир қатор мажбуриятлар юкланган:

1) тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлар ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш;

2) ёлланган ҳар бир корхона бошқарувчиси ишлаб чиқаришда кутилган натижаларга эришиши орқали ишлаб чиқаришларга замонавий ва юқори малакали бошқарувчиларни жалб қилиш ишларини олиб бориши;

3) банклар тасарруфига берилган банкрот корхоналари келгуси фаолияти устидан Республика комиссиясида ҳисобот беришлари йўлга қўйилган.

**4.2.-илова**

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ БЕЛГИЛАНГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

**Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши, уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради.**

***И.А.Каримов***

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувввватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори, млрд.сўм**




**Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича худудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур.**

***И.А.Каримов***

2010 йилга қадар хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги қарорда қуйидаги асосий йўналишлар белгилаб берилган:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш;
- 2010 йилгача хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;
- қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турларини кўпайтириб бориш;
- анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истиқболли – юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;
- мамлакатимиз корхоналарининг ҳалқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;
- хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

**4.3.-илова**

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

**Мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.**

**Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларида хизмат кўрсатиш ҳажми, млрд. сўм**

| **Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари** | **2008 йил** | **2009 йилга мўлжал** | **Ўсиш суръати, %** |
|---|---|---|---|
| Темир йўл транспорти | 1108,0 | 1390,0 | 125,5 |
| Автомобиль йўллари қуриш ва реконструкциялаш | 397,2 | 531,5 | 133,8 |
| шу жумладан: | | | |
| халқаро аҳамиятдаги | 175,9 | 251,9 | 143,2 |
| давлат аҳамиятидаги | 95,0 | 143,6 | 151,2 |
| маҳаллий аҳамиятдаги | 23,9 | 25,0 | 104,4 |
| Алоқа | 1375,0 | 1596,4 | 116,1 |
| шу жумладан: | | | |
| симли алоқа | 264,0 | 304,9 | 115,5 |
| уяли алоқа | 952,0 | 1104,7 | 116,0 |
| Электр энергияси таъминоти | 1786,1 | 1820,1 | 101,9 |

**4.4.-илова**

# ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИ

## Умумий уй-жой фонди ҳажмининг ошиб бориши

| Кўрсаткич | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 |
|---|---|---|---|---|---|
| Уй-жой фонди жами, млн. кв.м | 360,9 | 365,7 | 373,5 | 379,3 | 386,9 |
| Ш.ж. давлат | 6,2 | 5,1 | 5,0 | 4,2 | 4,3 |
| Шахсий | 354,7 | 360,6 | 368,5 | 375,1 | 382,6 |
| Ўртача ҳар бир яшовчига, кв.м | 14,3 | 14,3 | 14,4 | 14,5 | 14,6 |

## Мавжуд уй-жой фондининг ободонлик даражаси, фоиз




## Фаолият юритаётган даволаш ва дам олиш муассасаларнинг сони ва таркиби

| Кўрсаткич | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 |
|---|---|---|---|---|---|
| Касалхона муассасалари сони | 1174 | 1173 | 1165 | 1149 | 1150 |
| Касалхоналардаги ўринлар сони, минг бирлик | 147,0 | 146,7 | 142,9 | 142,4 | 143,6 |
| 10000 аҳолига | 57,8 | 57,4 | 54,9 | 54,1 | 53,9 |
| Санатория ва дам олиш муассасалари | 273 | 259 | 239 | 281 | 260 |
| Даволовчи санатория ва пансионатлар сони | 87 | 90 | 95 | 99 | 102 |
| Санатория-профилакториялар сони | 107 | 93 | 80 | 55 | 49 |
| Дам олиш уйлари ва пансионатлар сони | 14 | 11 | 10 | 33 | 21 |
| Дам олиш базалари сони | 43 | 43 | 32 | 32 | 22 |
| Сайёҳлар меҳмонхонаси, сайёҳлар базаси ва бошқа дам олиш муассасалари сони | 22 | 22 | 22 | 62 | 66 |

**2005-2008 йиллар мобайнида мактабгача таълим муассасаларида 5-6 ёшдаги болаларни қамраб олиш кўрсаткичлари, фоиз**




**2009 йилда янги қурилиш ва капитал реконструкция бўйича фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар, дона**



**4.5.-илова**

# БАНК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШ

**Айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ. Биринчи навбатда банклар, уларнинг муассислари капиталлашув даражасини ошириш бўйича бошланган ишларни охирига етказиши, ўз низом жамғармаси миқдорини белгиланган кўрсаткичларга олиб чиқиши лозим.**

***И.А.Каримов***

## Давлат бюджетидан банклар устав капиталини ошириш бўйича ажратилган маблағлар динамикаси, млрд. сўм

| Банк номи | Эълон қилинган устав капитали | Кўшимча акциялар эмиссияси ва жойлаштирилиши | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами | шу жумладан | | | | | |
| | | | 2008 йил | 2009 йил | 2010 йил | 2011 йил | 2012 йил |
| Халқ банки | 200 | 120 | 20 | 30 | 30 | 20 | 20 |
| Асака банки | 300 | 147 | 100 | 48 | - | - | - |
| Ўзсаноаткурилиш банки | 100 | 65 | 63 | 2 | - | - | - |
| Микрокредит банк | 150 | 72 | 54 | 18 | - | - | - |
| Пахта банк | 100 | 50 | 22 | 28 | - | - | - |
| Ғалла банк | 50 | 36 | 13 | 23 | - | - | - |
| Жами | | 491 | 272 | 149 | 30 | 20 | 20 |

## Фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони ва таркиби



**2008 йилда банк тизимининг янада кенгайтирилиши**




**2008 йилда банк фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, млрд. сўм**




**Муомалага чиқарилган пластик карточкалар ва хизмат кўрсатувчи терминаллар сони**




**Нобанк кредит ташкилотларининг сони, дона**




**4.6.-илова**

**БАНКЛАРДА ОМОНАТЛАРНИНГ КЎПАЙИШИГА, УЛАРНИНГ БАНК ТИЗИМИГА ЖАЛБ ЭТИЛИШИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛАЁТГАН ОМИЛЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

**Банклар зиммасига инвестиция фаолиятини кенгайтириш вазифалари юклангани сабабли уларнинг ишини тубдан қайта ташкил этиш лозим. Биринчи навбатда, бу борада инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва молиялашни ташкил этиш бўйича тижорат банкларининг махсус хизматларини мустаҳкамлаш зарур.**

***И.А.Каримов***

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг банк депозитларига жалб қилинган пул маблағлари ҳажми, млрд. сўм**




**4.7.-илова**

## КЛАСТЕР

**Кластерни тузиш қоидаси**

1. Ақлингизга келган барча нарсани ёзинг. Ғоя сифатини муҳокама қилманг: уларни оддий ҳолда ёзинг.

2. Орфография ва бошқа омилларга эътибор берманг.

3. Ажратилган вақт тугагунча ёзувни тўхтатманг. Агарда ақлингизга ғоялар келиши бирдан тўхтаса, қачонки янги ғоялар пайдо бўлмагунча қоғозга расм чизинг.

4. Кўпроқ алоқа бўлишлигига ҳаракат қилинг. Ғоялар сони, улар оқими ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни чегараламанг.

4.8.-илова

## Кластер



**4-илова**

## ***Назорат саволлари***

1. Кичик бизнесни қуллаб-қувватлаш бўйича қандай ишлар белгиланган?
2. Мамлакатимизда 2009 йилда кичик бизнес соҳасини ривожланитириш мақсадида қандай қулайликлар яратилиши кўзда тутилган?
3. 2009 йилда саноат соҳасида кичик бизнес тадбиркорлиги субъектлари ягона солиқ ставкаси қандай ўзгарди?
4. Президентимиз ўз нутқларида мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида нимага эътибор қаратган?
5. Замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, шу асосда иқтисодиётни изчил ва барқарор юксалтириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида республикамизда қандай ишлар амалга оширилди?
6. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш дастурининг асосий вазифаларини ёритиб беринг.
7. Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги асосий вазифаларни айтиб беринг.
8. Банк тизимини ривожлантиришга қаратилган ишлар ҳақида гапириб беринг.

# 5-мавзу. Ўқув курс бўйича якуний семинар

## 5.1. Таълим технологияси модели

| | |
|---|---|
| ***Машғулот вақти:*** **2 соат** | ***Талабалар сони:*** **25 –60** |
| ***Машғулот шакли*** | **Курс бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан якуний семинар** |
| ***Семинар режаси*** | 1.Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар.<br>2. 2008 йилда иқтисодиётимнингз юқори ўсиш суръатларини изчил таъминланиши.<br>3. Инқирозга қарши чоралар дастурини изчил амалга ошириш – мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши.<br>4. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг аҳамияти ва асосий йўналишлари.<br>5. Таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини янада ривожлантириш – устувор вазифа.<br>6. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, банк ишини янада такомиллаштириш– мамлакатни модернизация қилишнинг муҳим омили. |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади*:**<br>Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистоннинг самарали иқтисодий сиёсати ҳақида умумий билимларни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштиришларига кўмаклашиш. | |
| ***Педагогик вазифалар:*** | *Ўқув фаолият натижалари:* |
| • Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини | •Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омилларни ёритиб бера оладилар. |

| | |
|---|---|
| олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар ҳақида маълумот бериш;<br>•2008 йилда иқтисодиётимизнинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминланиши тўғрисида ёритиб бериш;<br>•Инқирозга қарши чоралар дастурини изчил амалга ошириш – мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши ҳақида маълумот бериш;<br>•«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг аҳамияти ва асосий йўналишларини тавсифлаб бериш;<br>•Таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини янада ривожлантириш – устувор вазифаси ҳақида ёритиб бериш;<br>•Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, банк ишини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ёритиб бериш. | •2008 йилда иқтисодиётимизнинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминланиши тўғрисида гапириб бера оладилар.<br>•Инқирозга қарши чоралар дастурини изчил амалга ошириш – мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши ҳақида маълумот берадилар.<br>•«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг аҳамияти ва асосий йўналишларини тавсифлаб бера оладилар.<br>•Таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини янада ривожлантириш – устувор вазифаси ҳақида ёритиб бера оладилар.<br>•Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, банк ишини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ёритиб бера оладилар. |
| *Ўқитиш усуллари* | Тезкор-сўров, кооп-кооп усули |
| *Ўқитиш шакли* | Фронтал, индивидул ва жамоавий ишлаш |
| *Ўқитиш воситалари* | Визуал материаллар, компьютер технологиялари |
| *Ўқитиш шароитлари* | Техник воситалар билан таъминланган аудитория |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол-жавоб, назорат саволлар, рейтинг тизими асосида баҳолаш |

---

### 5.2. Семинар машғулотнинг технологик картаси

| Иш босқичлари ва вақти | **Фаолият мазмуни** | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| 1–босқич. Тайёрлов қисми (10 дақиқа) | 1.1.Машғулотнинг мақсади, ўтказиш жараёни, кутилаётган натижалар ва фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (1-илова).<br>1.2. Саволлар бериб суҳбат тарзида талабалар билимларини жонлантиради:<br>- 2008 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришини ривожлантиришда қандай ишлар амалга оширилди?<br>-Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш дастури қандай мақсад билан ишлаб чиқилган?<br>-Инқирозга қарши чоралар дастурининг | Тинглайдилар ва танишиб чиқадилар.<br>Жуфтлик ташкил этишади, муҳокама қилишади, ўйлаб саволларга жавоб берадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | аниқ бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар нималардан иборат?<br>-«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг аҳамияти нимадан иборат?<br>Тезкор-сўров ўтказади. Жавобларни аниқлаштиради.<br>1.3. Таълим жараёни Кооп-кооп усули орқали амалга оширилишини эълон қилади (2-илова). | |
| 2-босқич Асосий қисм (50 дақиқа) | 2.1. Талабаларни 6-та кичик гуруҳга бўлади ва гуруҳларда ҳамкорлик асосида ишлаш усули қоидалари билан таништиради (3-илова). Ҳар бир гуруҳ мавзу режаси асосида тақдимот тайёрлашини айтади.<br>2.2. Ўқув курси мавзулари бўйича тайёрланган эксперт варақаларини тарқатади (4-илова).<br>2.3. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради. Тақдимот материаллари мазмунан ва мантиқан тўлиқ ёритилишини кузатади.<br>2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Гуруҳларда сардорлар тақдимотини ташкиллаштиради. Аниқлик киритилиши лозим бўлса, гуруҳ сардорини тўхтатади, саволлар беради, муҳокамасини жамоага ҳавола этади.<br>2.5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди. Фаол иштирокчи талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди. | Кичик гуруҳларга бўлинадилар.<br><br>Топшириқлар бўйича ишлайдилар.<br><br>Фаол қатнашадилар, тақдимот учун материаллар тайёрлайдилар.<br><br>Гуруҳдан сардор танлашади, унинг тақдимотида ҳамкорлик қиладилар. Саволларга жавоб берадилар.<br><br>Тинглайдилар. |
| 3–Якуний босқич (20 дақиқа) | 3.1.Ўқув фаолияти юзасидан хулоса билдиради.<br>3.2. Мавзулар мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва ўзлаштира олмаган жойларини қайта ўқиб чиқишни тавсия этади. | Тинглайдилар. |

**1-илова**

Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонлари

| **Мезонлар** | **Макс. балл** | **Гуруҳ натижаларини баҳолаш** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** |
| **Ахборотнинг тўлиқлиги** | **1,0** | | | | | | |
| **Ахборотнинг график шаклда ифода этилиши** | **0,6** | | | | | | |
| **Гуруҳнинг фаоллиги** | **0,4** | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Балларнинг максимал суммаси** | **2** | | | | | | |

**2-илова**

## «БИРГАЛИКДА ЎҚИЙМИЗ» ТЕХНИКАСИ

**Биргаликда ўқиш:** ўқув гуруҳи кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўрганилаётган мавзунинг маълум бир соҳасида эксперт бўлади ва бошқаларни ўргатади.

Ҳар бир гуруҳнинг мақсади бошқа барча гуруҳлар иштирокчилари мавзу саволларини тўла ҳажмда эгаллаб олишдан иборат.

*«Биргаликда ўқиймиз» техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши*

1. Билим даражасига қараб 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил турдаги гуруҳлар тузилади.

🡻

2. Ҳар бир гуруҳга *битта* топшириқ берилади –умумий мавзунинг бир *қисми,* унинг устида бутун ўқув гуруҳи иш олиб боради ҳамда таянчлар – **эксперт варақлари** – тақдим этилади.

🡻

3. Ҳар бир гуруҳ ичида умумий топшириқ тақсимланади.

🡻

4. Ҳамма *якка тартибдаги топшириқни* бажаради.

🡻

5. Барча гуруҳ аъзоларининг мини-маърузалари тингланади. Умумий натижа (бутун эксперт варағи бўйича саволлар жавоби)ни шакллантиради ва уни тақдимотга тайёрлашади.

🡻

6. Спикер ёки гуруҳ барча аъзолари биргаликда бажарган иш натижаларини тақдимот этишади.

**3-илова**

***Гуруҳларда ишлаш қоидаси***

Шеригингизни диққат билан тингланг.

Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.

Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.

Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

1-Эксперт варақаси

*Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар*

1. Жаҳон молиявий инқирозининг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва салбий оқибатлари
2. Ривожланган мамлакатларнинг жаҳон молиявий инқирозидан чиқиш борасидаги чора-тадбирлари
3. Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар.

2-Эксперт варақаси

*2008 йилда иқтисодиётимиз юқори ўсиш суръатларининг изчил таъминланиши*

1. 2008 йилда мамлакатимиз иқтисодиётида эришилган асосий натижалар ҳамда изчил ривожланишнинг муҳим омиллари
2. Мамлакатимизда аҳоли даромадлари ўсишини таъминлаш, ташқи савдо ҳамда экспорт соҳасида қўлга киритилган ютуқлар
3. Таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги
4. Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларнинг натижалари
5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис, касаначилик соҳаларининг барқарор ривожланиши
6. Банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан такомиллаштириш борасида эришилган натижалар

3-Эксперт варақаси

***Инқирозга қарши чоралар дастурини изчил амалга ошириш – мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши***

1. **2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмуни ва аҳамияти**

4-Эксперт варақаси

***«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг аҳамияти ва асосий йўналишлари***

1. **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари**
2. **Қишлокда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар**
3. Қишлокда ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш
4. Қишлоқдаги мулкдор ва тадбиркорларнинг аҳамиятини ошириш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш

5-Эксперт варақаси

***Таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини янада ривожлантириш – устувор вазифа***

1. **Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши**
2. **Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг янада кучайтирилиши**
3. **Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалар**

6-Эксперт варақаси

***Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, банк ишини янада такомиллаштириш–мамлакатни модернизация қилишнинг муҳим омили***

1. **Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш дастурининг моҳияти ва асосий вазифалари**
2. **Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини кучайтириш – аҳоли фаровонлигини**